

bo'yoq sifatida, kasmetalogiyada ham foydalaniladi. Yovvoyi turidan limon kislotasi olinadi. Bazi turlari hushmanzarali o'simlik sifatida ekiladi. Anor mevasi tarkibida shifobaxsh moddalar ko'p bolganligi uchun Xalq tabobatida keng foydalanib kelinmoqda. Anor po'stlog'i qaynatmasi, gulining damlamasi, mevasi va uning shirasi istisqo, ich ketish, dizinteriya, sariq kasallik va qo'tir kabi kasalliklarni davolash va oldini olishda ishlatiladi. Tibbiyotimiz otasi bo'lmish Abu Ali Ibn Sino anor mevasidan milklarda qon oqqanda, meda kasalliklari, tutqanoq, astma kabi kasalliklarni davolash haqida Tib qonunlari asarida yozib o'tgan. Shuning uchun ham anorzorlarimiz keng miqyosda ko'paytirish chora tadbirlari ko'rilmogda. Hozirgi kunda anor

mevasini mamlakatimiz Xitoy, Koreyya, Yaponiya, Iordaniya, Myanma, Gana, Chernogoriya kabi davlatlarga eksport qilmoqda. Sitatistika agentligining malumotlariga qaraganda O'zbekiston 2022 yilda Xorijiy mamlakatlarga qiymati 19,8 mln \$ bo'lgan 21,6 ming tonna anor eksport qilgan, 2021 yilga nisbatan 2,2 ming tonna ga oshdi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz munkinki o'lkamiz hududlarida anorzorlarni ko'paytirish va iqlimimizda yaxshi o'sadigan va ko'p hosil beradigan anorning mahalliy navlarini yaratish yaratishda samarali usullarini ishlab chiqishimiz kerak. Yetishtirilayotgan anorlarimizni qayta ishlash soxasini rivojlantirish va bu orqali bo'sh ish o'rinlarini tashkil qilishga erishamiz.

ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoev Sh. "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallagan strategiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida". PQ-4575-son Qarori. – Toshkent. 2020 yil 28 yanvar.
2. Ostanagulov T. E., Narziyeva S., G'ulomov B. X. "Mevachilik asoslari". S., 2011. 152-155 b
3. Qo'shiyev H. H., Ergasheva F. Sh. ANORCHILIK (Anor biologiyasi, anor yetishtirish agrotexnikasi, anorni zararkunanda va kasalliklardan himoya qilish) Oliy ta'lim muassasalari bakalavriat bosqichi 5410200-Anorchilik ta'lim yo'nalishi talabalari uchun darslik. Guliston-2021.
4. Ajaikumar K.B., Asheef M., Babu B.H., Padikkala J. The initiation of gastric mucosal injury by Punica granatum L. (pomegranate) methanolic extract // J. Ethnopharmacol.-2005.-V.96.-P.171-176
5. Li N., Jamil A., Ali Shah S.W., Shah I., Ahmed G. Spasmogenic and spasmolytic activity of rind of Punica granatum Linn // BMC Complementary and Alternative Medicine.-2017.-V.17(97).-P.1-7
6. Бобоев И.А., Шарипов З.Ш., Абдуллаев А., Фардеева М.Б. Удельная поверхностная плотность листа Punica granatum L. и Diospyros lotus L. в разных условиях Таджикистана // Вестник Удмуртского университета (Биология. Науки о земле).- 2015.-Т.25.-Вып. 3.-С.141-143.

УЎТ: 631.52: 635.63

БОДРИНГНИНГ ИСТИҚБОЛИ “ЖИЛО” НАВИ

Борасулов Акмал Мирайимович, (PhD)

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали

Борасулова Дилноза Дилмуроджон қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада бодрингнинг очиқ ер майдонларида етиштириши учун мос “Жило” навининг тавсифи ва унинг яратилишидаги селекция босқичлари ёритилган. Бодрингнинг яратилган ушбу нави тундаги оналик гуллари сонининг кўплиги, мева сифатининг юқорилиги, юқори ҳосилдорлиги ва клadosporioz (*Cladosporium cucumerinum* (Ccu), бодрингнинг оддий мозаика вируси (CMV), ун-шудринг (*Erysiphe cichoracearum*), сохта ун-шудринг (*Pseudoperonospora cubensis*) (Pc), бодрингнинг сариқ мозаика вирусига (ZYMV) юқори даражада бардошлилиги билан фарқланади.

Калит сўзлар: тизма, нав, оналик гул, техник пишии, мева вазни, биологик пишии, инсухт, якка танлов.

Аннотация. В данной статье приведено описание сорта огурца «Жило», пригодного для выращивания в открытом грунте, и этапы селекции при его создании. Этот сорт огурца создан благодаря большому количеству материнских цветков на кусте, высокому качеству плодов, высокой урожайности и клadosporiozu (*Cladosporium cucumerinum* (Ccu), вирусу обыкновенной мозаики огурца (CMV), мучнистой росе (*Erysiphe cichoracearum*), ложной мучнистая роса (*Pseudoperonospora cubensis*) (Pc), отличающаяся высокой устойчивостью к вирусу желтой мозаики огурца (ZYMV).

Ключевые слова: линия, сорт, женских цветков, техническое созревание, масса плода, биологическое созревание, инсухт, индивидуальный отбор.

Annotation. This article describes the variety of cucumber «Jilo», suitable for growing in open ground and the breeding stages during its creation. This variety of cucumber is created due to the large number of female flowers on the bush, high fruit quality, high yield and cladosporiosis (*Cladosporium cucumerinum* (Ccu), cucumber common mosaic virus (CMV), powdery mildew (*Erysiphe cichoracearum*), downy mildew (*Pseudoperonospora cubensis*) (Pc), which is highly resistant to cucumber yellow mosaic virus (ZYMV).

Key words: line, variety, female flower, technical maturation, fruit weight, biological maturation, inbreed, individual selection.

Кириш. «Ер юзида энг кенг тарқалган сабзавотлардан бири бодринг бўлиб, йилига 2,118 млн. гектар майдонга экилади. Ундан олинадиган ялпи ҳосил 71,366 млн. тоннани, ўртача

ҳосилдорлик эса 33,6 т/га ни ташкил этади. Дунёда энг кўп бодринг етиштирувчи давлатлар қаторига Хитой (54,363 млн. т.), Туркия (1,755 млн. т.), Эрон (1,570 млн. т.) каби давлатлар

киради. Энг юқори ҳосилдорлик Голландияда 666,6 т/га, Англияда 536,1 т/га, Исландияда 445,2 т/га, Данияда 349,0 т/га ва Швецияда 279,0 т/га ни ташкил этади. Россия Федерациясида 67 267 гектар майдонга бодринг экилиб, 1 068 минг тонна ялпи ҳосил олинади. Ўртача ҳосилдорлик 15,8 т/га ташкил қилади»¹.

Ўзбекистон иқлим шароитида бодрингнинг асосий касалликлари бўлган ун- шудринг ва сохта ун- шудрингга бардошли, тупдаги оналик гуллар сони кўп навларини яратиш ҳосилдорликни ошириш билан бирга, мева сифатининг юқорилигини таъминлайди.

Бодринг экинининг касалликларга чидамли, мева сифати юқори, янгилигича истеъмол учун мос, юқори ҳосил берувчи нав ва F₁ дурагайлари яратишда халқаро коллекцияга мансуб тизмаларни ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш самарали усул ҳисобланади. Бодрингнинг ҳосилдорлиги тупдаги оналик гулларининг сони ва уларни тутишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади бодрингнинг халқаро коллекциясига мансуб, тупда оналик гуллар сони кўп, мева сифати яхши, касалликларга бардошли тизмаларини кўп марта ўз-ўзига чапиштириш (инцухт) ва якка танлаш усули билан юқори ҳосилдор нав яратиш, шунингдек, ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг якуний вазифаси очиқ майдонларда етиштириш учун мос, қимматли хўжалик белгиларига эга, юқори ҳосилдор тизмаларни ажратиш, уларни кўп марта ўз-ўзига чапиштириб (инцухт) янги нав яратишдан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда дала тажрибалари Бутун Россия Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (ВНИИССОК)нинг “Бодринг селекцияси ва уруғчилиги бўйича методика”си, олинган натижаларни статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибалари услуби” асосида амалга оширилган.

Тадқиқот натижаси. Селекция ютуғи ҳисобланган бодрингнинг “Жило” навини қисқача тавсифи.

Навнинг биологик белгилари. Қовоқдошлар оиласининг *Cucumis sativus* L. турига мансуб, эртапишар, ўсув даври 80-82 кун. Ниҳоллар униб чиққандан то биринчи теримгача бўлган вақт 38 кунга тенг. Биринчи теримдан охириги теримгача бўлган давомийлик 42 кунни ташкил этади.

Палаги детерминант типда бўлиб, ўртача шоҳланиш гуруҳига мансуб. Ўсимлик бўйи 85-90 см, ён шоҳлар сони 5,2 та.

Гулларининг асосий қисмини оналик гуллар ташкил қилади. Ҳар бир бўғимга тўғри келади оналик гуллар сони биттадан учтагача бўлиб, тукларининг ранги оқ. Гулларида партенокарпиклик мавжуд эмас.

Барглари пояга горизонтал жойлашган. Барглари ўртача узунликка эга. Барг пластинкасининг уч томони ўткир шаклда ва тўқ яшил рангда. Барг пластинкаси ўртача буришган. Четлари кучсиз тўлқинсимон ва ўртача қиррали (1-расм).

Мева найчалари ўртача узунлик ва диаметрда. Мева найчасининг узунлиги билан унинг диаметри ўртача нисбатда ва цилиндр шаклда. Найчаннинг кўндаланг кесими қиррадор, шаклининг асоси ўткир.

Меваси тўқ яшил ва ялтироқ, юзаси текис, ғоваклиги йўқ, цилиндрсимон шаклда. Мева юзасидаги туклар оқ рангда. Мева банди узун. Меванинг кўндаланг кесими уч қиррали

шаклда. Мева узунлиги 10-12 см, вазни 80-85 грамм, дегу-стацион баҳоси 4,9 балл (2- расм). Ҳосилдорлиги гектаридан 27-28 тоннага тенг.



1-расм. Бодрингни «Жило» нави барги ва оналик гуллари



2-расм. Бодрингни «Жило» нави меваси.

Биологик етилган (уруғлик) меваларнинг ранги сариқ ва тўрпанишлари йўқ. Узунлиги 14-15 см, оғирлиги 125 грамм. Бир дона мевадан уруғ чиқими 59-60 дона бўлиб, 1,3 граммни, 1000 та уруғининг вазни эса 22 граммни ташкил қилади.

Кладоспориоз (*Cladosporium cucumerinum* (Ccu), бодрингнинг оддий мозаика вируси (CMV), ун-шудринг (*Erysiphe cichoracearum*), сохта ун-шудринг (*Pseudoperonospora cubensis*) (Pc) ва бодрингнинг сариқ мозаика вирусига (ZYMV) юқори даражада бардошли.

Навнинг яратилиш тарихи: халқаро бодринг коллекциясига мансуб Л-6 тизмаси 2012-2013 йилларда “Бирламчи манба кўчатзори”да ўрганилган. Бир қатор қимматли хўжалик белгиларига эгаллиги боис “Селекция кўчатзори”да 2014-2018 йилларда ўз-ўзига (J₁–J₅) чапиштирилган (инцухт) ва якка танловлар олинган. 2019-2020 йилларда “Танлов синови кўчатзори”да маҳаллий “Наврўз” нави билан таққослаб синалган ва 2020 йилда Интеллектуал мулк агентлигига топширилган. Давлат нав синовида 2021-2022 йилларда синовдан ўтган ва 2022 йилда NAP 00392 рақамли патент берилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Бодрингнинг “Жило” навини яратилиши

№	Кўчатзорлар номи	Йиллар
1	Л-6 тизмани бирламчи манба кўчатзорида ўрганиш	2012-2013 й.й.
2	Л-6 тизмада якка танлаш ўтказиш ва J ₁ –J ₅ инцухт тизмаларини ажратиб олиш	2014-2018 й.й.
3	Танлов синови кўчатзори	2019-2020 й.й.
4	«Жило» нави давлат нав синовида	2021-2022 й.й.
5	«Жило» нави патент олинди	2022 й.

1 Овощеводство в мире: производство основных овощных культур тенденция развития за 1993-2013 годы по данным FAO. «Овощи России» М., 2015.

Хулоса. Юртимизга импорт қилинувчи сабзавот уруғларининг асосий қисми бодринг экинига тўғри келиши ва буни қисман бўлсада камайитириш, шунингдек, ишлаб

чиқаришдаги маҳаллий навларнинг улушини ошириш бу каби навларни янада кўпроқ яратишни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хакимов Р.А., Хакимов А.С., Тошмухамедов А.А. Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги. Тошкент Ислон университети, 2003 й.
2. Меджитов С. Технология возделывания интенсивных сортов огурца в орошаемой зоне Узбекистана: Дисс. д-ра с.-х. наук./ Ташкент, 1993.
3. Мухаммедов Л.Р. Мучнистая роса огурцов, биология возбудителя и меры борьбы: Автореф. дисс...канд. био. наук./ Ташкент, 1973.
4. Борасулов А.М. Перспективная линия огурца Л-6. «Инновационные подходы и перспективные идеи молодых ученых в аграрной науке» сборник материалов международной научно-практической конференции молодых ученых (17 ноября 2017 г., Кайнар) 141-142 с.с.
5. Пивоваров В.Ф., Кононкова П.Ф. Рекомендации и методические указания по селекции и семеноводству огурца. – М.: ВНИИССОК, 1999.
6. Нгуен Чыонг Занг, Ушанов А.А., Монахос Г.Ф. Оценка комбинационной способности партенокарпических гиноцийных и моноцийных линий огурца по продуктивности корнишонов и продуктивности стандартных плодов. Ж.Овощи России, № 2 (23) 2014.
7. Air temperature changes and phenological phases of field cucumber (*Cucumis sativus* L.) in Poland. 2002.

УЎТ: 631.52: 635.63

БОДРИНГ ТИЗМАЛАРИНИ МАҲСУЛДОРЛИК БЎЙИЧА КОМБИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Борасулов Акмал Мирайимович, (PhD)

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали

Борасулова Дилноза Дилмуроджон қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада бодрингнинг очиқ ер майдонларида етиштириш учун мос F1 дурагайлари яратиш бўйича олиб борилган селекция ишлари ёритилган. Халқаро сабзавотчилик марказидан (*The WorldVeg, Тайвань*) 2010 ва 2014 йилларда келтирилган бодринг тизмаларининг маҳсулдорлиги, умумий ва ўзига хос комбинацион қобилияти ўрганилган. Натижада бу белги бўйича C-26 x C-29, A-9 x A-6 ва A-6 x A-9 дурагай комбинациялар ажратиб чиққан.

Калит сўзлар: тизма, дурагай комбинация, F1 дурагай, техник пишиш, мева вазни, маҳсулдорлик, умумий комбинацион қобилият (УКҚ), ўзига хос комбинацион қобилият (ЎХКҚ).

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по созданию гибридов F1 огурца, пригодные для возделывания в открытом грунте. Изучена общая и специфическая комбинационная способность линий, интродуцированных в 2010 и 2014 годах из Всемирного Центра Овощеводства (*The WorldVeg, Тайвань*) на основе диаллельных скрещиваний по признаку «Продуктивность одного растения». В результате исследований были выделены перспективные гибридные комбинации огурца C-26 x C-29, A-9 x A-6 и A-6 x A-9 по данному признаку, которые рекомендуются для использования высоко урожайных сортов и гибридов F1 в качестве исходного материала.

Ключевые слова: линия, гибридная комбинация, гибрид F1, техническое созревание, масса плодов, продуктивность, общая комбинационная способность (ОКС), специфическая комбинационная способность (СКС).

Annotation. The article presents the results of research on the creation of F1 cucumber hybrids suitable for cultivation in open ground. The general and specific combinational ability of the lines introduced in 2010 and 2014 from the World Vegetable Center (*The WorldVeg, Taiwan*) was studied on the basis of diallel crosses on the basis of the «Productivity of one plant» trait. As a result of the research, promising hybrid combinations of cucumber C-26 x C-29, A-9 x A-6 and A-6 x A-9 for this trait were identified, which are recommended for the use of high-yielding varieties and F1 hybrids as a starting material.

Key words: line, hybrid combination, F1 hybrid, technical ripening, weight fruit, productivity, general combining ability (GCA), specific combining ability (SCA).

Кириш. Дунё миқёсида глобал исиш билан боғлиқ муаммолар кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Хусусан, бодринг экинига ҳаво хароратининг +32C° даражадан кўтарилиши оналик гулларининг камайишига ва ҳосилдорлигининг тушишига сабаб бўлади. Дунё давлатларидан Хитой, Голландия, Англия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Германия, Венгрия, АҚШ ва Ўзбекистонда бодрингнинг очиқ ва ёпиқ майдонларда етиштиришга мос, мева сифати юқори, касалликларга бардошли, оналик гуллари кўп,

юқори ҳосилдор ва турли иқлим шароитларига мослашган кўплаб нав ва дурагайлари яратиш борасида селекция ва уруғчиликка йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўзбекистонда бодрингнинг очиқ майдонларда етиштириш учун мос навлар селекцияси бўйича Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтида М.Н. Кулакова, А.М. Аббосов, Р.А. Хакимов, ТошДАУда В.И. Зуев, С.А. Юнусов, С.М. Меджитов томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бугунги